

## **КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ: ТАЪСИС ҚИЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА УСТУВОР МАҚСАДЛАР**

**Шавкат Икромов**

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур мақолада кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгашининг таъкил этилишига олиб келган ички, минтақавий ва халқаро омиллар таҳлил қилинади. Тадқиқотда аъзо давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ўхшашлиги, маданий яқинлиги ва умумий манфаатлари билан бир қаторда, хавфсизлик таҳдидлари асосий туртки бўлгани илмий жиҳатдан асосланади.*

***Калим сўзлар:** кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши; минтақавий интеграция; хавфсизлик омил; геосиёсий жараёнлар; Эрон инқилоби.*

### **ABSTRACT**

*This article analyzes the internal, regional, and international factors that led to the establishment of the Gulf Cooperation Council. The study examines the political and economic similarities of member states, their cultural proximity, and shared interests, while emphasizing security concerns as a decisive factor*

***Keywords:** Gulf Cooperation Council; regional integration; security factor; geopolitical processes; Iranian Revolution.*

### **КИРИШ**

Иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий интеграцион бирлашмалар сари йўналиш янги жаҳон тартибини шакллантирган ва ҳозирга қадар шакллантириб келаётган энг муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Бу ҳодиса келгуси босқич турли шакллардаги ҳамкорлик, интеграция ва иқтисодий, сиёсий ҳамда ҳарбий уйғунлашув билан ажралиб туришини англатади. Мазкур жараёнлар эса янги жаҳон тартиби ва унинг асосий йўналишларини белгилашда етакчи омил бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик Кенгаши) ҳамда Европа Иттифоқи халқаро ва минтақавий миқёсда шаклланган энг муҳим интеграцион тузилмалардан саналади. Зеро, Форс кўрфази минтақаси ва Европа қитъаси халқаро тизимда муҳим иқтисодий ва стратегик салоҳиятга эга бўлиб, бу ҳолат мазкур икки ҳудуд давлатларини ўз минтақаларидаги қўшни давлатлар билан ҳамкорлик ва интеграцияни чуқурлаштириш заруратини англашга ундади. Натижада улар халқаро сиёсат майдонида юзага келаётган ўзгаришлар шароитида ҳаётий

аҳамият касб этувчи иқтисодий, сиёсий ва стратегик жиҳатдан яхлит ва барқарор маконни сақлаб қолишга интилдилар.

Араб кўрфази минтақаси жаҳон сиёсий ва иқтисодий тизимида алоҳида стратегик аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланади. Минтақанинг географик жойлашуви, халқаро савдо йўлларига яқинлиги, шунингдек, жаҳон нефть захираларининг катта қисмига эгаллиги уни глобал миқёсда муҳим геосиёсий маконга айлантирган. Айниқса, дунё нефть захираларининг учдан икки қисмига яқини айнан шу ҳудудда жамлангани унинг халқаро иқтисодий барқарорликка таъсирини янада оширади.

Шу омиллар замирида 1981 йил 25 май куни Ар-Риёд шаҳрида кўрфаз минтақасидаги бир қатор араб давлатлари кўрфаз ҳамкорлик кенгашини ташкил этди. Мазкур тузилма кўрфаз минтақасидаги олти араб давлатини — Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Кувайт Давлати, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар Давлати, Баҳрайн Подшоҳлиги ва Уммон Султонлигини бирлаштирди.

Кенгашни ташкил этиш ғояси Кувайт амири Шайх Жобир ал-Аҳмад ас-Сабоҳ томонидан илгари сурилган бўлиб, у минтақавий ҳамкорликни институционал асосда мустаҳкамлаш заруратини илгари сурган.

### **Кенгашни таъсис этишнинг расмий асослари**

Кенгаш Низомининг муқаддимасида унинг ташкил этилишига туртки бўлган қатор омиллар қайд этилган. Жумладан:

- аъзо давлатларни боғлаб турувчи умумий тарихий тажриба ва ижтимоий-сиёсий ўхшашлик;
- исломий ақидага асосланган давлатчилик анъаналари;
- халқлар ўртасидаги яқин маданий ва қариндошлик алоқалари;
- умумий тақдир ва мақсад бирлиги;
- араб ва исломий масалаларни қўллаб-қувватлашга интилиш;
- Араб давлатлари лигаси Низомида белгиланган интеграция ва яқинлашув тамойилларига содиқлик.

Кенгашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Аъзо давлатлар ўртасида барча соҳаларда мувофиқлашув, интеграция ва ўзаро боғлиқликни таъминлаш ҳамда истиқболда бирликка эришиш.
2. Халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш.
3. Иқтисодий, молиявий, савдо, божхона, транспорт, таълим, маданият, ижтимоий, соғлиқни сақлаш, ахборот, туризм, қонунчилик ва маъмурий соҳаларда ўхшаш ҳуқуқий ва ташкилий тизимларни шакллантириш.

4. Саноат, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги, сув ва чорвачилик соҳаларида илмий-техника тараққиётини рағбатлантириш.

5. Илмий тадқиқот марказларини ташкил этиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш.

Шу тариқа, расмий хужжатларда Кенгаш аввало интеграция, мувофиқлашув ва тараққиётни таъминловчи минтақавий тузилма сифатида таърифланади.

### **Хавфсизлик омилининг устуворлиги**

Мазкур Кенгашнинг ташкил этилишига туртки бўлган асосий сабаблар сиёсий ва хавфсизлик билан боғлиқ омиллар эди. Ушбу давлатларнинг хавфсизлик соҳасидаги ташвишлари ва беқарорлик ҳисси, айниқса Кенгаш тузилишидан олдинги даврда кучайган эди. Бу жараён 1965 йил июнь ойида бошланган “Зуфар” инқилоби (Уммон султонлигининг жанубидаги Зуфар вилоятида юз берган қуролли сиёсий ҳаракат бўлиб, у мавжуд монархик тузумдан фарқли ижтимоий-сиёсий тизим ўрнатишни мақсад қилган) билан боғлиқ ҳолда бошланди. Мазкур ҳаракат кўрфаз минтақаси араб давлатларида амал қилиб келаётган сиёсий ва ижтимоий тартибдан мутлақо фарқли йўналишни илгари сургани боис, айниқса Зуфар ҳудудий бирлиги эълон қилинган, ушбу давлатларда жиддий хавотир уйғотди.

Шу билан бирга, 1979 йилда Эронда ислом инқилобининг ғалаба қозониши ва шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳокимиятининг ағдалириши ҳам минтақадаги сиёсий мувозанатга катта таъсир кўрсатди. Инқилоб натижасида Эрон Ислом Республикаси ташкил топди ва унинг ташқи сиёсати “инқилобни экспорт қилиш” тамойилига асосланди. Бу эса Араб кўрфази давлатларида мазкур инқилоб ғояларининг ўз ҳудудларига ёйилиши, амалдаги сиёсий тузумлар барқарорлигига таҳдид солиши мумкинлиги ҳақидаги хавф-хатарларни кучайтирди. Шу тариқа, хавф энди фақат ҳарбий омил билан чекланиб қолмай, балки мафкуравий, диний ва демографик ўзгаришлар эҳтимоли билан ҳам боғлиқ бўлиб қолди. Ана шу омиллар Кенгашининг ташкил этилишини тезлаштирди.

Сиёсий ва хавфсизликка доир яна бир муҳим омил - Совет Иттифоқи томонидан 1979 йил декабрь ойида Афғонистонга қўшин киритилиши бўлди. Бу воқеа халқаро қарама-қаршилик доирасини Форс кўрфази ҳудудига яқинлаштириб, минтақада йирик давлат томонидан тўғридан-тўғри ҳарбий таҳдид пайдо бўлганини англатди. Шунингдек, Совет Иттифоқининг марксизм-ленинизм ғояларига асосланган Жанубий Яман ҳукумати (пойтахти Адан

шаҳри бўлган давлат) очик ва фаол кўмак кўрсатиши ҳам минтақада мафкуравий таъсир кенгайиши хавфини кучайтирди.

1980 йилда бошланган Эрон-Ироқ уруши ҳам Кенгашнинг ташкил топишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди. Кўрфаз минтақасидаги олти араб давлати ушбу уруш алангаси ўз ҳудудларига ҳам ёйилиши мумкинлигидан жиддий хавотирга тушди. Шу боис, улар ташқи таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш, хавфсизликни жамоавий тарзда таъминлаш заруратини англадилар.

Юқорида зикр этилган барча омиллар олти давлатни ўз хавфсизлиги ва сиёсий барқарорлигини таъминлаш мақсадида муайян интеграцион тузилма яратишга ундади. Натижада Кўраз ҳамкорлик Кенгаши минтақадаги энг мослашувчан ва нисбатан самарали минтақавий ташкилот сифатида шаклланди. У аъзо давлатларнинг сиёсий ва хавфсизликка оид позицияларини мувофиқлаштириб, 1980–1988 йиллардаги Эрон–Ироқ уруши, 1990 йилдаги Кувайт инқироzi ва 2003 йилдаги АҚШнинг Ироққа ҳарбий амалиёти каби муҳим воқеаларда умумий ёндашувни шакллантиришга ҳаракат қилди.

Шу боис ҳам аъзо давлатлар томонидан илгари сурилган дастлабки ташаббуслар таҳлилида ҳам биз хавфсизлик омили таъсис жараёнида муҳим ўрин тутганини кўришимиз мумкин. Учта асосий таклифдан иккитасида Саудия Арабистони ва Уммон ташаббусларида хавфсизлик масалалари марказий ўринни эгаллаган.

Саудия Арабистони таклифи қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган:

- қурул-яроғ таъминоти манбаларини мувофиқлаштириш;
- ички хавфсизлик кучлари ўртасида кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- чет давлатлар билан ҳарбий иттифоқлардан воз кечиш;
- миллий суверенитетни мустаҳкамлашда қурулми кучлар иштирокини таъминлаш.

Уммон ташаббусида эса Хурмуз бўғозини кўриқлаш ва химоя қилиш мақсадида кўшма денгиз кучларини тузиш таклиф этилган. Мазкур бўғоз минтақанинг стратегик “ҳаёт томири” сифатида баҳоланган. Кувайт таклифи иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликка кўпроқ урғу берган бўлса-да, унинг илдизи Баҳрайн раҳбарияти ташаббусига бориб тақалади. Хусусан, Баҳрайн амири Шайх Исо бин Салмон Ол Халифа минтақада кучайиб бораётган таҳдидларга қарши ягона минтақавий тузилма зарурлигини таъкидлаган. Кенгашнинг биринчи Бош котиби Абдуллоҳ Башара таъкидлаганидек, мазкур

омиллар Кенгашни ташкил этиш ғоясини амалий босқичга олиб чиққан муҳим сабаблардан бири бўлган.

### **Иккинчи аммо биринчисидек муҳим – иқтисодий омиллар**

Иқтисодий интеграция Кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгашини тузишга тўртки бўлган энг муҳим асослардан бири ҳисобланади. 1981 йилда Ягона иқтисодий келишувнинг имзоланиши мазкур давлатларнинг иқтисодий яқинлашувга интилишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Бу келишув Кенгашга аъзо давлатларнинг эркин савдо ҳудуди ёки божхона иттифоқи шаклидаги интеграцион тузилмани барпо этишига замин яратди. Ушбу жараёнда ўзаро савдо айланмасини кенгайтириш асосий мақсад сифатида белгиланди.

Маълумки, олти давлат биргаликда жаҳондаги энг йирик нефть экспортчилари ҳисобланади. Бу ҳолат уларни иқтисодий иттифоқ шаклини излашга ундади, чунки бирлашган иқтисодий макон инвестициялар учун жозибадор ҳудудга айланиши ва шу орқали миллий иқтисодиётларни мустаҳкамлаши мумкин эди. Шунингдек, ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг кучайиши давлатлар ўртасида институционал бирликни тақозо этди ва уларни ягона тузилма доирасида бирлашишга рағбатлантирди.

Бундан ташқари, мазкур давлатлар тараққиёт, меҳнат ресурслари ва хорижий ишчи кучи масалаларидаги умумий муаммоларга дуч келган эдилар. Нефть даромадларига юқори даражада қарамликни қисқартириш, миллий даромад манбаларини диверсификация қилиш, шунингдек, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида муайян ишлаб чиқариш базасини яратиш зарурати ҳам интеграцияни тезлаштирди. Бу эса минтақанинг ички эҳтиёжларини қисман бўлса-да таъминлашга хизмат қилиши лозим эди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Кенгашнинг ташкил топишига таъсир этган омиллардан яна бири 1970-йилларда шаклланган жаҳон иқтисодий муносабатларидаги туб ўзгаришлардир. Хусусан, табиий ресурслар устидан назоратнинг истеъмолчи йирик давлатлар ва трансмиллий компаниялардан ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қўлига ўтиши билан боғлиқ жараёнлар глобал иқтисодий тизимда янги мувозанатни вужудга келтирди. Бу ўзгаришлар “янги халқаро иқтисодий тартиб” ғоясида ўз ифодасини топди. Мазкур тартиб Шимол (ривожланган саноат давлатлари) ва Жануб (ривожланаётган мамлакатлар) ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқиш, уларни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тизим сифатида шакллантиришга қаратилган эди.

Демак, кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгашининг вужудга келиши нафақат минтақавий хавфсизлик эҳтиёжлари, балки глобал иқтисодий

тизимдаги туб трансформациялар ва миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш зарурати билан ҳам бевосита боғлиқдир.

## ХУЛОСА

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўрфаз араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгашининг ташкил этилиши бир вақтнинг ўзида ички интеграцион эҳтиёжлар ва ташқи хавфсизлик таҳдидларига жавоб сифатида юзага келган. Расмий ҳужжатларда интеграция, маданий яқинлик ва умумий манфаатлар устувор деб кўрсатилган бўлса-да, амалда хавфсизлик ва геосиёсий барқарорликни таъминлаш омили таъсис жараёнида ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Шу тариқа, Кенгаш минтақадаги давлатларнинг сиёсий барқарорликни сақлаш, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ташқи таҳдидларга нисбатан мувофиқлашган сиёсат юритишга қаратилган институционал механизми сифатида шаклланди.

## Фойдаланилган манбаа ва адабиётлар

1. عبد القادر مخلص، أحمد. مجلس التعاون لدول الخليج العربية: دراسة سياسية. – البصرة: منشورات مركز دراسات الخليج العربي، جامعة البصرة، 1986.
2. سعيد، بسمة عبد المحسن. إشكالية الأمن الإقليمي لدول مجلس التعاون الخليجي منذ عام 1990: رسالة ماجستير غير منشورة. – بغداد: كلية العلوم السياسية، جامعة النهرين، 2011.
3. مجلس التعاون لدول الخليج العربية. النظام الأساسي. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.gcc-sg.org/ar-sa/AboutGCC/Pages/Primarylaw.aspx> (дата обращения: 08.09.2018).
4. الحسن، عمر. مجلس التعاون الخليجي: دواعي التأسيس من وجهة النظر الرسمية [Электронный ресурс]. – Режим доступа: 2015 15 يناير. <http://studies.aljazeera.net/ar/files/gccpath/2014/10/2014101491936106853.html> (дата обращения: 12.09.2018).
5. مجلس التعاون لدول الخليج العربية. النظام الأساسي. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.gcc-sg.org/ar-sa/AboutGCC/Pages/Primarylaw.aspx> (дата обращения: 14.09.2018).
6. مجلس التعاون لدول الخليج العربية. النظام الأساسي. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.gcc-sg.org/ar-sa/AboutGCC/Pages/Primarylaw.aspx> (дата обращения: 13.09.2018).
7. النظام الأساسي لمجلس التعاون لدول الخليج العربية // مجلس التعاون لدول الخليج العربية: عشرون عاماً من الإنجازات. – الرياض: الأمانة العامة لمجلس التعاون لدول الخليج العربية، 2000.